

МАҲАЛЛАНИНГ ОТА-ОНАНГ

Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси саҳифаси

Пойтахтимизнинг марказида жойлашган «Матонат» маҳалласи ҳам аҳил ва фаровон гўшалар қаторига қиради. Маҳалланинг «Матонат» деб аталишига сабаб 1966 йилдаги Тошкент элзиласидан сўнг матонат эвазига бунёд этилган. Яқинда маҳаллада олиб борилаётган ишлар хусусида оқсоқол Обиджон Алимов билан суҳбатлашдик.

— Ҳаммамизга маълумки, мустақилликка эришганимиздан сўнг маҳаллаларга катта

— Маҳалла ободлиги, фаровонлиги ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Ободонлаштириш юзасидан бажарилаётган тадбирларда маҳалла фаоллари ва уй кенгашининг раислари фаол иштирок этишаётгани таҳсинга сазовор. Илгарилари уйларга коммунал хизмат кўрсатиш давлат томонидан амалга оширилган. Хозирда маҳалла қошида «Қалдирғоч» ва «Кий» ширкатлари ташкил қилинган бўлиб, бу ташкилотлар маҳалла ободлиги йўлида мустақил иш олиб бормоқдалар.

— Маълумки, хозирда ёшларимизнинг билим олишлари ва уларнинг баркамол авлод сифатида униб-ўсишлари учун катта ишлар қилинаёпти. Сизларда бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Бизнинг маҳаллада 80-ўрта мактаб, 21-мехрибонлик ўйи ва юридик-академик лицей мавжуд бўлиб, уларда ёшларнинг ҳар томонлама билим олишлари учун шaroит яратилган. Бундан ташқари ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида спорт мажмуаси фаолият кўрсатмоқда. Утган йилда маҳалла ёшларининг футбол командаси туманда биринчи ўринни эгаллади. Маҳалламиз фахрийлари ёшларимиз билан доим мулоқотда бўлишди.

— Маълумки, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича катта ишлар олиб борилаётган. Бу борадаги ишларнинг қандай?

— Аҳолининг ишсиз қатлами бизда ҳам учрайди, албатта. Уларга қўлдан келганча ёрдам бермоқдамиз. Масалан, амнистия тўғрисида қўрилган 14 маҳалла фуқаросидан ўн бир нафарини ишга жойлаштирдик. Хозирда режалаштирилган ишларимиздан бири янги маҳалла гузарини барпо этишдир. Агар шу юмуш амалга ошса, аҳолига хизмат кўрсатиш муассасалари фаолият бошлайди ва бир қанча янги иш ўринлари ташкил қилинади.

Бахтиёр КАРИМОВ

Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди

«Қариси бор уйнинг париси бор», дейди халқимиз. Бу сўзлар замирида олам-олам маъно бор. Яъни, отани пирю қилиб, падару бузурқор, онани эса Маккаю Мадина, деб эъзозлаш халқимизнинг энг асосий эзгу фазилати десак адашмаймиз.

Эзгу фазилат дедик... Унинг мезон чўқиси борми? Ушбу фалсафий саволга халқимизнинг «Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди», деган ҳаётий тажрибада тобланган ҳикмати билан жавоб беришимиз мумкин. Дарҳақиқат, ҳар бир эгуликнинг ўз ўрни, салмоғи бор. Биз уртимизнинг барча ҳудудларида «Қарияларни қадрлаш» Давлат дастурини амалга ошириш борасида олиб борилаётган кўп қабил савобли, хайрли ишларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Юнусобод туманидаги «Минор» маҳалласи фаоллари йиғилишида ҳам «Қарияларни қадрлаш» Давлат дастурининг маҳалладаги ижроси тўғрисида сўз борди.

Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу маҳаллада ҳар бир қариянинг ижтимоий аҳоли пухта ўрғанилган бўлиб, кимга моддий, кимга маънавий ёрдам кераклиги аниқ белгилаб олинган. Энг асосийси, маҳалла ҳудудида жойлашган мулкчиликдан қатъи назар 56 та корхона ва ташкилот билан яқин ҳамкорлик маҳалладаги қарияларнинг ижтимоий аҳолини янада яхшилашга хизмат қилаётганининг гувоҳи бўлаётиб. «Минор» коммунал ўртоклик ширкати томонидан кам таъминланган қарияларнинг турли тўловлардан озод қилинганлиги, жамиятнинг ислоҳ этиш борасидаги кучли ижтимоий сивасига ҳамоҳанг тарзда айнақса, кам таъминланган оилаларни, кексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қилинган савобли ишлар қаторига киритишимиз мумкин. Боз устига маҳалланинг мактаб билан олиб бораётган кенг камровли ишлари ибратга лойиқдир. Шу ўринда маҳалладаги барча ишларнинг аниқ режа асосида изчиллик билан амалга оширилишида маҳалла оқсоқоли Ф. Фуломовнинг катта ҳаёт тажрибасига эга эканлиги, маслаҳатчилар, уй кенгаши раисларининг тўғри танланганлиги ва уларнинг ўз вазифаларини астойдил бажараётганлиги асосий омил бўлаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли.

Бир сўз билан айтганда, аниқ режалар асосида, кишиларни ўз икитдорига яраша жой-жойига қўйган ҳолда фаолият юритиш албатта ўзининг катта самарасини беради.

(Ўз мухбиримиз)

Аҳоли фаровонлиги йўлида

этибор берилди бошланди. Бизнинг маҳалла ҳам бундан мустасно эмас. Хозирда халқимизнинг бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида маҳалламизда кўпгина ишлар олиб борилаётган. Аввало кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларига катта эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, ўтган йилда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида маҳалламизнинг 350 кишига 4 миллион сўмдан ортик ёрдам берилди. Бундан ташқари маҳалламизда фаолият олиб бораётган фахрийлар кенгаши фуқаролар билан доим мулоқотда бўлиб туришибди. Бизда оила мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида яраштириш ҳайъати ташкил қилинган бўлиб, улар турли оилаларда бўладиган низооларни бартараф этишга фаол иштирок этишаёпти. Шу ўринда хотин-қизлар комиссиясининг маданий тадбирлар ўтказишдаги фаоллигини алоҳида таъкидлашни истардим.



Шайхонтоҳур туманининг «Илгор» маҳалласида яшовчи Мирсоат Орипов 80 ёши қоралади. Оловли йиллар ҳақида ўйласа кўзига ёш олади. Хозирги кунда табаррук ёшдаги бобо 4 фарзанд, 8 набира, 2 эвара ардоғидадир. СУРАТДА: Мирсоат бобо оила даврасида.

Нўмонжон Муҳаммаджонов олган сурат.

Ҳамжиҳатликда гап кўп

Маҳалла кексаларининг Шукуржонга меҳри тушиб қолди. Кунларнинг бирида кўча дарвозасини тақиллатиб уч-тўрт қария уни йўқлаб кириб келди. Шукуржон ҳовлида узум узаятган эди. Қутилмаган тақилдан таажжубга тушди.

— Шукуржон, — дейишиди қариялар пиёлага қуйилган кўк чойни ҳўплаб. — Сизни пенсияга чиқшингиз билан табриклар келдик. Энди дам оладиган пайт келди. Бизнинг раъиймизни қайтарманг. Эрта-индин маҳалла оқсоқоллигига сайлов бўлади. Сизни шу вазифага муносиб кўрямиз.

— Отахонлар, — деди Шукуржон бироз жимликдан сўнг. — Хурматингиз учун раҳмат. — Нима ҳам дердим, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан.

Маҳалла фуқаролар йиғини аъзоси Шукуржон Нуриддинов Ҳамза ту-

манидаги Акмал Икромов маҳалласи оқсоқоллигига сайланди... Маҳалланинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, одамларни бирлаштириш учун енг шимариб иш бошлаган оқсоқол янгича иш тутиш лозимлигини ҳис қилди. У фаоллар билан келишган ҳолда ҳар бир кўчага масъуллар белгилади. Тўй маросимлари, байрам ва оммавий тадбирларни кўпчилик бир дастурхон атрофида ўйин билгалликда, бамаслаҳат, ортиқча сарф-ҳаражатларсиз ўтказишга келишиб олди.

Мансур Ибрагимов, Фуломжон ота Омонжўжаев, Тўлаған Шорихиев, Ҳасан Сирожиқидинов, Эркин Муродбеков, Йўлдош Бегматов сингари маҳалла фаоллари ва отахонлар Шукуржоннинг оғирини енгил қилиб, маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари билан қўллаб-қувватлашди.

Маҳалла билан ҳамжиҳатликда олиб борилаётган ишлар ўз самарасини берди.

Кидирбой Тўлабоев

Спорт ишлари ривожланмоқда

Шайхонтоҳур тумани ҳудудидаги Ибн Сино 1 маҳалласи асосан кўп қаватли уйларда, аҳоли зич жойлашган ерда ташкил қилинган. Бу маҳаллада 7500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улардан 500 нафарга яқинини кексалар ташкил қилади.

Ота-боболаримизнинг қадимги удулмарига амал қилган ҳолда кексалар доимо ҳурматда, маҳалла аҳли уларни ардоқлаб, ҳар томонлама ёрдам бермоқдалар. Президентимиз томонидан 2002 йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинган ҳам бежиз эмас, чунки ёшларни кекса авлоднинг бой ҳаётий тажрибаси тўғри ва раван йўлга бошлайди. Маҳалла аҳли доимо бир жон,

бир тан бўлиб, ягона оиладек иш юритишлари натижасида мавжуд барча муаммолар ижобий ҳал қилинмоқда. Уйлар атрофида мевали дарахтлар экилган. Маҳаллада айниқса спорт-соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Кўплаб спорт турлари бўйича мунтазам равишда машғулотлар ўтказилиб, мусобақалар ҳам уюштириб турилмоқда. Маҳалла ҳудудида жойлашган 262-ўрта мактаб биносидаги спорт залларида ҳар

кун 2-3 соат таэквандо, каратэ бўйича тажрибали мураббийлар машғулот ўтказишади. Бу залда киш кунлари баскетбол ўйинлари ҳам ўтказилади. Маҳалла болалари учун керакли барча шарт-шaroитлар, имкониятлар яратилган. — Маҳалламизда тинчлик, осойишталик ҳукмрон, — дейди биз билан суҳбатда оқсоқол Зоҳир Султонов. — Маҳалла ҳам ўзига хос кичик бир давлат бўлиб, ҳар қандай давлат олдига ўз вазифасини бажариши лозим. Маҳалла-ларга берилаётган ҳуқуқий имониятлар кундан-кунга кўпаймоқда, бу эса келажакда уларнинг мустақил иш юри-

тишларига асос бўлади. Оилавий келишмовчиликларнинг барчасини ижобий ҳал қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Зеро, оиланинг мустаҳкамлиги, бу — Ватан осойишталигидир. Маҳалламиз кундан-кунга кенгаймоқда, ободонлаштирилиб қўрган кўзни қувонтирмоқда. Фақат она-наларимизнинг носозлиги ишимизнинг янада яхшила-ниши учун нуқулаллик тугдирмоқда. Туман ҳокимлиги, мутасадди ташкилотлар томонидан маҳалла идораси учун доимий жой ажратилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Илҳом ШЕРМУХАММАД

Мустақил Ўзбекистони-миз ўз олдига демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадини қўйган ва бу йўлда қатъий одимлаб бормоқда. Халқимизнинг кўп йиллик орзу-умиди, эзгу тилаги муҳассамланган давлатимиз Бош Қомуси — Конституция қабул қилинганга ҳам ўн йилга яқин вақт ўтди. Унинг асосида жамиятдаги муносабатларда ижтимоий адолат ҳукм сураётганидан барчамиз воқифмиз.

Шундай экан, ҳаётимизнинг Асосий Қонунининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-маъмуни ва могоҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини шакллантириш, тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида 2001 йил 4 январда Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилинган. Ушбу ҳужжатнинг ижроси

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

жойларда қандай таъминланаётганини билиш мақсадида Тошкент шаҳар назорат бўлими томонидан мутахассислар иштирокида уни ўрганиш ишлари ташкил қилинди.

Шуни айтиш керакки, туман ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимларида, мактабча ва умумтаълим муассасаларида, ўрта махсус ва касб-хунар ўқув юртиларида Фармойиш бўйича белгила-нган вазифалар бажарилиши борасида қатор ижобий ишлар амалга ошириляётгани маълум бўлди.

Туманларда Конституцияни ўрганишни ташкил этиш юзасидан тадбирлар режаси иш-лаб чиқилган ва улар жой-

ларда татбиқ этилган. Ушбу тадбирлар Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент Давлат иқтисодий университети ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети вакиллари, олимлар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходим-лари иштирокида ўтказил-ган.

Таълим муассасаларида «Конституцияни ўрганиш курси»ни ўқитиш ўқун мутахассис кадрларни тайёрлаш мақсадида ўқитувчилар маळा-синдида шириниши олиб борилади. 5-7 синфлар учун «Конституция оламитга савҳат» дарслиги рус тилида нашр қилинганлиги маълум бўлди.

Ўрганишлар довомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли туман ҳокимликлари, бошқарма раҳбарларига таъсиялар берилди. Иълмира ЗАЙНУТДИНОВА

Жорий йил май ойининг иккинчи ўн кунлида Тошкентга Корея Республикаси Қимматли Қоғозларнинг Марказий Депозитарийи делегацияси ташриф буюрди. Ушбу ташриф Ўзбекистон Республикаси Қимматли Қоғозларнинг Давлат Марказий Депозитарийи (ДМД) томонидан Қимматли Қоғозлар Бозори Фаолиятини Мувофиқлаштириш ва Назорат Қилиш Маркази ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитаси иштирокида ташкил қилинмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 1974 йилда ташкил этилган Корея Республикаси Қимматли Қоғозларнинг Марказий Депозитарийи

ҲАМКОРЛИК

Фойдали ташриф бўлади

си (КМД) айна кунда дунёдаги йирик ва ривожланган Марказий депозитарийлардан бири ҳисобланади. КМД томонидан Корея фонд бозорига, KOSDAQ биржадан ташқари савдоларда, облигация савдоси бозорига ҳамда пул инструментлари бозоригаги барча битишувлар бўйича ҳисоб-китоблар ва клиринг амалга оширилади. Жанубий Корея қимматли қоғозлар бозорининг марказий ҳисоб тузилмаси ҳисобланувчи ушбу ташкилот мамлакат фонд бозорининг ишончли ва самарали фаолият юритишини таъминлайди.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори депозитарлик тизимини такомиллаштириш заруриятини аниқлаб этиш ўтган йили ДМД ва КМД ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантириш ишида муҳим дастак бўлди.

Шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, Жанубий корейлик ҳамкорларнинг қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистон Республикаси Қимматли Қоғозларнинг Давлат Марказий Депозитарийи 2001 йилнинг сентябрь ойида Осиё-Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари Марказий депозитарийларининг ҳалқаро уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Мазкур уюшма фаолиятида иштирок этиш Марказий депозитарийга ўзаро халқаро тажриба алмашиш ҳамда депозитарлик тизими фаолиятини такомиллаштириш, унинг янада ишончли ва самарали бўлишига кўмак беради.

2001 йилнинг декабрь ойида корейлик мутахассислар Ўзбекистонга иккинчи бор ташриф буюрдилар, ташриф довомида аввалдан КМД тавсиялари ва уларни амалга жорий этиш масалалари муҳокама қилинди. Корейлик мутахассислар 2001 йилнинг 14 декабрида «Депозитарлик тизимларини интеграциялаш — халқаро қимматли қоғозлар бозорига самарали фаолият юритиш асоси» мавзусида ўтказилган халқаро семинарда фаол иштирок этдилар. Мазкур семинар Осиё китъаси ва МДХ мамлакатлари депозитарлик тизимлари вакиллари билан бирлаштирилган илк халқаро анжуман бўлди.

Айни пайтда ташрифга тайёргарлик ишлари аяқунланмоқда, айрим вазирик ва маҳалмаларнинг раҳбарлари билан қатор учрашувларни ўтказиш режалаштирилмоқда, корейлик экспертлар эса Ўзбекистонлик ҳамкасбларига Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори депозитарлик тизимини ривожлантириш бўйича ўз тавсияларини тақдим этишди.

Ташрифнинг якуний қисмида ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандумни имзолаш кўзда тутилмоқда, унда келгуси ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Ҳар икки томон ҳам ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга катта умид ва ишонч боғламоқда ва депозитарийлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг фонд бозорларини, шу билан биргаликда икки мамлакат иқтисодийетини бeлгoвчи кўприк воситасини ўташига интилишмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ТАДБИРЛАР

«Қариси бор уйнинг париси бор»

Куни кеча Юнусобод туманидаги «Нуронийлар» оромгоҳида мазкур шифо масканида хордик олаётган отахон онахонлар учун «Қариси бор уйнинг париси бор» мавзусида адабий-музика кеча ўтказилди. Туман маданият ишлари бўлими тасарруфидидаги Фурқат, «Дўстлик» маданият уйлари ва марказлашган кутубхоналар тизимидаги филиаллар ҳомийликлари билан уюштирилган ушбу адабий-музика кечада телеминиаторлар театри актёри Набижон Собиржонов, сеvimли марҳум актёр Сойиб

Ҳужавнинг шоғирди Муҳаммаджон Муслимов, ҳофиз Рустамжон Раҳимов, Розалия Шокирова раҳбарлигидаги «Ешилк» гуруҳининг рақосалари иштирок этишди. Улар ижро этган кўшиқлар, рақсалар қариялар кўнглини шод этди. Ушбу кечада фахрийларга «Қариси бор уйнинг париси бор» мавзусидаги китоб кўргазмаси намойиш этилди. 6, 9-кутубхоналардан эсдалик учун келтирилган китоблар «Нуронийлар» оромгоҳи кутубхонасига ҳадя этилди. Акбар Йўлдошев

Фахрийлар кутланди

Шаҳримизнинг ҳар бир гўшасида Қарияларни қадрлаш йили, Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб бири-бирдан чиройли ва фойдали тадбирлар ўтказилди. Ушбу жараёнда жамоат ташкилотлари ҳамда сиёсий партиялар фаоллиги ортиб бормоқда.

Яқинда «Фидокорлар» миллий-демократик партиясининг Олий Мажлисидаги фракция аъзолари ва ФМДП Тошкент шаҳар кенгаши, Собир Раҳимов туман ҳокимлиги вакиллари Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан пойтахтимиздаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бориб, бу ерда истиқомат қилаётган кексаларимизни кутландилар. Тўкин дастурхон ёзилди, қарияларга совға-саломлар топширилди. Фахрийларимиз ўтмишдаги мураккаб даврлар, хусусан II жаҳон урушининг суронли кунларини эслаб, бугунги тинч-осойишта ҳаётимиз, кекса авлодга кўрсатилаётган ҳар томонлама ғамғўрлик учун Президентимизга миннатдорчилик билдирдилар, дорилормон турмушимизга шукроналар айтидилар.

Сеvimли хонанда Насиба Абдуллаева ижросидаги эстрада қўшиқлари тадбирга ўзгача фойз-тароват бағишлади. (Ўз мухбиримиз)



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Анат» кўшма корхонаси тадбиркорлари сифатли чанқовбосди ичимликлар турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. СУРАТДА: ишлаб чиқариш цехи бошлиги Низомиддин Шоносупов (чапда) ва кўйиш цехи бригадирини Владимир Чуканов тайёр махсулотларни кўздан кеçиришмоқда.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат. Акбар АЛИЕВ

бошланди. Ушбу курсни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражаси тест усулидан фойдаланган ҳолда текширилганда талабалар яхши билимга эга эканлиги намоеён бўлди.

Ўрганиш жараёнида ютуқлар билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам борлиги аниқланди. Жумладан, таълим муассасаларида ҳуқуқшунос мутахассислар етишмаслиги тўғрисида махсус курс олий ўқув юртилари қокори курс талабалари зиммасига юклатилган, болалар бoғчачари тарбияланувчилари учун «Конституция сабоқлари», 1-4 синфлар учун «Конституция алифбоси» фақат ўзбек тилида, 5-7 синфлар учун «Конституция оламитга савҳат» дарслиги рус тилида нашр қилинганлиги маълум бўлди.

Ўрганишлар довомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли туман ҳокимликлари, бошқарма раҳбарларига таъсиялар берилди. Иълмира ЗАЙНУТДИНОВА

ТРАНСПОРТ

Ёруғ юз билан

Шаҳримиздаги 3-трамвай-троллейбус саройи бундан қорай аср муқаддам қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Академия шаҳарчасига қатнайидан трамвай вагонлари, троллейбуслар асосан шу корхонада жамланади.

Шаҳримизнинг марказини мазкур ҳудуд билан бойлайдиган электр транспорти воситалари учун саройида мустаҳкам техника негизи яратилди.

— Аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиб келаётган 6, 13-трамвай йўналишида қатнаётган вагонлар ҳам саройимиздан эрта саҳардан йўлга чиқадилар, — дейди корхона раҳбари Фурқат Азимов. — Талабалар шаҳарчасига боралиган 4, 20-трoллейбуслар ҳам бизнинг тасарруфимизда.

«Йўлнинг раван, манзилнинг яқин бўлисин» деган широрта амал қилаётган кўп сонли транспортчилар жамоаси ўзининг 25 йиллик юбилейини муносиб кутиб олмақда. Сарой меҳнат аҳлининг учдан бир қисмини ҳаракат таркибининг муҳандис-техник ходимлари ташкил этади. Моҳир механиклар, соловчилар, чилангар ва электриклар қўлини кўлга бериб, техника иждоқорлигини ҳам йўлга қўйишмоқда. Ҳаракат таркибининг тиклаш ҳамда транспорт воситаларини умрини узатиштириш борасида амалга ошириляётган техник тадбирлар ҳам самарали бўлмоқда. Уларнинг жиддий изланишлари билан бир неча хилгаги эҳтиёт қисмлар, узел ва агрегат намуналарини юзага келди.

Трамвай вагонлари, троллейбуслари туб таъмирлашда ихтирочи ва рационализаторлар яратган 150 га яқин бу хил мослама ва қурilmалардан унумли фойдаланилмоқда. Янгилик изловчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан саройида меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлашга эътибор кучайди. Йил бошидан буюн кекса транспортчиларга 230 минг сўм ёрдам пули берилди. Умуман, жамоага ижтимоий ҳимоялаш бўйича бир миллион 700 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Саройини янги «Шкода», «Татра» русумли транспорт воситалари билан таъминлаш тадбирлари кўрилмоқда. Бу эса йўловчиларга намунали транспорт хизматини ташкил этиш учун имкон беради.

Чорак аерлик сана муносабати билан саройнинг қатор бинолари сифатли таъмирдан чиқди. Зеро, бу кунини ёруғ юз билан нишонлаш учун барча тайёргарлик ишлари олиб борилди. Энг муҳими эса йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш борасида амалга ошириляётган ишларидир. Акбар АЛИЕВ



САНЪАТ

ТАНБУРДАН ТАРАЛАР ТЕРАН ТУЙГУЛАР

Сетор деманг,
ҳаш дилим билгувчи танбур...

Бобораҳим МАШРАБ

Дунёни гўзаллик кутқарган, деган гап бор. Ҳа гўзалликнинг юзага келишида куй-оҳангнинг таъсири ҳам бормикин? Дилингиз иштиробга тўлган чоғда ҳам хазин куй эшитганингизда нечоғлик энгил тортасиз.

Мазкур шифобахш туйғу қаердан келди. Албатта, Парвардигорнинг қудратидан-да! Бироқ, бу оҳанрабо оҳангни барча бирдек англайдими? Ҳа, англади, фақат дилида иймон эътиқоди бўлган кишиларгина айни мана шу мўъжизани теран ташунади, идрок этади.

Биз бугун ушбу мақоламизда юқорида тилга олинган нафис туйғу — мўъжизакор куйни ярата олиш қобилиятига эга бўлган улкан санъаткор, танбури ила бутун дилларни янада шод айлаган, кўнгли яримларга бағри бутунлик бахш эта олган беназир инсон — Турғун Алиматовнинг бетакрор ижоди ҳусусида сўз юритмоққа ҳажм этдик.

Ўзбекистон халқ артисти, ноёб истеъдод соҳиби Турғун Алиматов ўз танбури билан бемалол «галлаша» оладиган санъаткордир. Агар шундай бўлмаганида, биз унинг ижодини, танбури чегири, вужудни сел этувчи наволарини тингламаган бўлу эдик. Созанданинг сеҳри сози ўз соҳибига минглаб муҳлислар орттиришига сабабчи бўлди. Бироқ Турғун Алиматов учун бу муҳим эмас. Муҳими шундаки, у куйни «таг-томири» билан қўришни истайди. Ана шу истак тўғриси у танбурининг, аниқроғи созандаликнинг ипидан игнасиғача ўрганишга муваффақ бўлди.

Хайратланарли томони шундаки, Турғун Алиматов бундай ажиб оҳангларни теран ташунади ва ўз ўрнида тингловчиға ҳам ўзи қандай хис қилса, ўша ҳолича — «асл нусха»-сича ҳавола этади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Бугунги кунда ўзбек санъатига зимдан нигоҳ ташлаган киши, айрим баъкана овозларни сезади. Ўзларича «куй»-кашф этмоқчи бўлган баъзи созандалар (созанда дейиш мумкин бўлса!) билиб-билмай миллий оҳангларимиз нуфузига пугур етказмоқдалар. Бундай ҳолат эса асрлар оша ўз қадрини йўқотмай келадиган нафис наволарни етарлича англамаслик оқибатидан келиб чиқадиганининг нишонасидир. Мазкур нишона чуқур илдиз отмаслиги учун эса Турғун Алиматовнинг созандалик «мактаби»да ташлим олмақ жоиз. Зеро, «от айланиб қозигини топади» деган нақл бор.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбекистон моҳир созандаси Турғун Алиматов танбури ила таратаётган наволар санъатининг осмониди маҳобатли, шу билан бирга азалий ва абадий оҳангларни ўзида уйғунлаштирган бетакрор парвоздир. Бу парвоз ҳақиқат англис зинҳор сўнмаган!

Мақсуд ЖОНИХОҲОВ

ЎҚУВ МАСКАНЛАРИДА

Соғлом танда — соғ ақл

Республикамизда Таълим тўғрисидаги қонун ва Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини бажариш, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва чуқур билим бериш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан Сергели Политехника касб-хунара коллежда ҳам бу бордадаги ишлар яхши йўлга қўйилган. 1999 йили коллеж қайта таъмирланиб барча қулайликларга эга бўлган ўқув қўноқлари, спорт заллари, ўқув ишлаб чиқариш устхоналари талабалар ихтиёрига топширилди. Коллежда битта катта ва иккита кичик спорт зали, волейбол, мини футбол майдонлари, югуриш йўлаклари мавжуд бўлиб, улар ҳаммиша ўқувчилар билан бағам.

Коллеж спорт жамоаси ўрта махсус касб-хунара таълим тизимида ўтказилаётган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида фаол қатнашиб келмоқда ва келажакда шу мусобақаларда юқори натижаларга эришиши ўз олдиға мақсад қилиб қўйилган. Хозирги кунда коллежда спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, кураш, энгил атлетика ва бошқа турлари бўйича машғулотлар йўлга қўйилган бўлиб, унда 300 дан ортқ йигит ва қизлар шугулланишмоқда.

Ўқув масканида спорт-соғломлаштириш клуби ташкил этилиб, унда коллеж жамоасидан ташқари яқин атрофдаги маҳалла ёшлари ҳам ўзларининг севган спорт турлари билан шугулланишмоқда.

Лутфия ОДИЛОВА

ТабиаТ муҳофазаси долзарб масала бўлиб қолаётир. Буни биргина сувга бўлаётган муносабатимизда ҳам кўриш мумкин. Хозирда сув — қадрсизланаётган нарсанинг ўзи йўқ. Сув — ҳаёт омил! У бизнинг тирикчилигимиз ва ашб қолишимиз учун муҳим ва зарур эканлигини унутиб қўймайлик. Нега сувга бўлган меҳр-шафқат шунчалар издан чиқиб, унутилиб қолинди? Ахир ота-боболаримиз сувни қудуқларда, ҳовуз ва сардобаларда авайлаб, эҳтиётлаб сақлар эдилар-ку? Сувнинг ҳар бир томчисини ноннинг увоғидек эъзозлашардиларку?

Узоқ бўлмаган йигирманчи асрнинг сўнгги йилларида бир антиқа эртакномаға ўхшаш ривоятни ўқигандим. Қариб-қартайиб қолган ва сочлари оппоқ кор тусига кирган бир чол дарё бўйига келиб, балиқ овламоқчи бўлибди. Сувга қармоқ ташлабди, ҳеч нарса чиқмабди. Тур ташласамчи деб ўйлабди. Уйига қайтиб келиб, тур олиб борибди. Унга ҳам балиқ илинмабди. Бир неча кунни шу зайлда ўтказибди. Ахир, бир балиқ турга тушибди. Бу оддий балиқ эмас, балки тилла балиқ экан. Чол қулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай қолди. Шу балиқни деб қанча овра бўлмади. Хар кун кампиридан танбеҳ эшитди. Бунинг устиға харажатлар чиқими ҳам озмас-кўпмас, бир ойлик пенсияси сарф бўлди. Бирдан чолнинг авзои ўзгариб, ваҳожати қайнаб, балиқни қўлиға олиб, унга ўқирди: «Тилла балиқ бўлсанг ўзингга, менга оддий балиқ бўлса ҳам каттароғи керак эди, қани улур?» Олоҳнинг қарам кенг, балиққа тил ато этибди: «Балиқ ейдиган одамзод сувни бунчалик ифлосламайди. Унга ифлос, чиқит, оқава сувларни қўшиб булғамайди. Сув худонинг бир неъматиди, унга ахлат ташланмайди, сувни қадрлаганларгина балиқ ейди.

Сенлар бу кетишда балиққа эмас, балки тоза, ичимлик сувга ҳам хор-зор бўлиб қоласизлар», дебдию дарёға шўнгиб кетибди...

Бу жайдари фалсафа замонавий эртак талқинида шундай баён этилган экан. Ахир одамзод пайдо бўлганидан буён, унинг дурқун ўсиши, фароғати, соғлиғи бош ва асосий мезон деб қаралган. Ер юзида ҳаёт бор, у давом этар экан, сувга бўлган талаб, эҳтиёж кун сайин, соат сайин ўсиб бораверади. Биз тоза ичимлик сувининг ҳар бир томчисини авайлаб, эҳтиётлаб, тоза ва покиза ҳолатда сақлаб, фойдаланмоғимиз зарур.

Бугун Ер курасида яшаётган одамлар сони 6 миллиарддан ошиб кетди. Бу рўйи замин сувининг ҳажми 1,4 миллиард километрдан кўп экан. Унинг ҳам 94 фоизи океанларда, бир қисми музликларда, сув ости қатламларида, бошқа сув ҳавзаларидадир, чуқур сув миқдори эса бор-йўғи 2 фоизи ташкил этади. Бу 24 миллион километрдир.

Сувнинг шаффоғлиги билан ҳаётлигини ифлос, оқава сувлар, айниқса ёнғил-мой чиқилган булгаб, яросқиз холатга келтирмоқда. Бир литр бензин ўнлаб километр сув сатҳини ҳаво ва қўёш нуруни ўтказмайдиган парда билан қоплайди.

Бунинг оқибатида ушбу ёғ парда остида ҳаёт кечираётган сув ўтлари ва сув жониворлари ҳавосизликдан қирилиб кетади.

Севан кўли ҳақида шеър ёзган сеvimли шоримиз Абдулла Орипов: «Севан кўли қуриб қолсанг қуригин, лекин нопок бўлмагин» дейди.

Сув экологиса айни кунларимизда ниҳоятда ҳаётли масала бўлиб қолди. Биргина ўзимизнинг Чорвоқ сув омборини қўриб қарайлик. Ўзбекистоннинг Швейцарияси хосибланмиш Бўстонликнинг мовий бу сув ҳавзаси дан олиш зонасиға ҳам айланиб қолган. Бу масканға йилдан-йилға кўпроқ одамлар дам олгани борадиган бўлиб қолди. Шу билан бирға санитария қондаларига риоя этилмаслиги оқибатида бу сув ҳам, унинг атрофи, гўзал табиад ҳам ифлослантирилмоқда. Ахир Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолисини тоза

ичимлик суви билан таъминлайдиган яғона сув захираси шу — Чорвоқ сув ҳавзаси эканлигини унутиб қўётганға ўхшаймиз. Бу қудратли сув иншооти Хўжақент кишлоғи яқинида, Чирчиқ дарёсининг хар икки томонидан Чотқол ва Уғом тоғлари бир-бириға яқинлашган жойида бунёд этилган. Мовий денгиз турт томондан 1500-2000 метр баландлиқда тоғлар билан ўралган. Бу дунёнинг

СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

уни асраш ҳаммамизнинг бурчимиз



энг ноёб сув омборларидан ҳисобланади. Унинг тўғони баландлиғи 160 метрдан ортқ, сув сийми 2 миллиард, узунлиғи 20 километр, чуқурлиғи эса 145 метрга яқин, унинг майдони 40 километр, қуввати 600 минг кВт, йиллик қуввати эса 2 миллиард кВт. соат. Бу ерда қуш ва балиқларнинг ўнлаб турлари ўрайди. Олимларнинг таъкидлашича, бу сув ҳавзасининг ичида сув ўтларининг 360 дан ортқ турлари мавжуд экан.

Чорвоқ сув омбори тўғонининг туниель диаметри 11 метр ва унинг узунлиғи 800 метрга яқиндир.

Бугунги кунда Орол денгизининг суви қочган ўрнида вужудға келган 33,4 минг километрик янги Оролқум саҳроси келтириб чиқараётган экологик, тиббий, ижтимоий ва иқтисодий асоратлар эндиликда нафақат Оролбўйи худудлари билан чекланиб қолди, балки қўшни Марказий Осиё республикалариға ҳам қўчиб ўтмоқда, хали яна қандай оқибатлар содир этиши номаълум. Ана шуларни назарда тутиб 1994 йилда Оролни асраш халқор жағмармаси ташкил этилган.

Бу минтақада 48 миллион аҳоли яшайди. Мутахассисларнинг ҳисобича 2020 йилға бориб, бу худудда аҳоли 100 миллионға етиши мумкин. Минтақадаги сув ресурслари хозирги даражада қолаверади.

Сувдан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш лозим. Мамлакатимиздаги мавжуд сув манбаларининг 90 фоизи кишлоқ хўжалиғида ишлатилади. Қизиги шундаки, сўғориладиган деҳқончилик хўжалиқларида 50 фоиз сувдан самарасиз фойдаланилмоқда. Президентимиз Исом Каримов шу йилнинг февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якуни ва 2002 йил истиқбол режаларига бағишлаб ўтказилган йиллиғида бу турда ташвиш билан гапирдилар ва айни 2001 йилги

зираотчиликда йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш йўл-йўриқларини белгилаб бердилар.

Сув — мўъжиза! Сув — ҳаёт омил! Сув — бебаҳо бойлик! Бу каби чиройли шiorларни ҳаммамиз ҳам яхши билемиз. Аммо... Ер юзидаги сувларнинг таркибида 50 дан ортқ Менделеев даврий жадалидаги кимёвий моддалар ҳам аниқланган. Бундан ташқари рўйи заминимизда мавжуд бўлган сувларда 200 минтаға яқин сув жониворлари ва минглаб сув ўсимликлари ҳаёт кечиради. Биз денгиз ва кўллардан эҳсон, ризқ-насиба олиб келадиганни ҳам унутмаслиғимиз лозим. Хар йили 60 миллион тонна балиқ, миллион-миллион тонна бошқа неъматларни ҳам сувдан олаёмиз. Сув — бебаҳо бойлик деган шiorға шулар ҳам асосдир.

Хозирги пайтда дунё аҳолисининг 3 миллиондан ортқини тоза ичимлик суви етишмаслиғи оқибатида

баида Ниёзбек қалъаси бор эди, — дейди 90 ёшли Абдумалик ота. — Ана шу қалъада сувни бошқариб турадиган махсус идора мавжуд бўларди. Шаҳарни сув билан таъмин этиш, уни тенглик асосида тақсимлаш мақсадида ариқ оқсоқоллари, таҳрибали микроблар ишлашарди. Бу мутасаддилар сувнинг равои оқинини ва таъминотини, ариқ ва каналларнинг аҳолини доимий равишда назорат қилиб туришарди. Бундан ташқари, илгарилари катта сувлар оқадиган маҳалларда ўнлаб тегиримон ва обжувозлар бўларди. Хонадонларда бир нечта кўй, эчки, қорамоллар, хатто баъзиларнинг отлари, шу билан бирға ҳовилларда бир шолчалик бўлсада ери ҳам бўларди. Унда дов-дараклар, ток ва қўқатлар, гулу райхонлар экилиб, ўстирилиб туриларди. Тандирларда ноннинг ўнлаб хиллари ёпилган. Улар ҳам ўтин билан иситиларди. Бироқ, хўжаликлар кўп тармоқли бўлгани билан ҳеч қачон сувини ифлослантирмаган ва уни ортқича ҳам ишлатишмаган. Сув маданияти, сув тарбияси, унинг одоб-ахлоқи ҳамма учун қадри, ҳамма учун бурчли бўлган. Сув — муқаддас ва табарруқ ҳисобланган. Сувни азалдан юртдошларимиз азизлашган, лекин шу билан бирға унга зориқшмаганлар ҳам...

Бугун Тошкентимиз ҳам бўйиға, ҳам энгига кенгайиб кетди. Унинг бағрида яшаётган аҳолининг сони ҳам икки ярим миллиондан ошиб қолди. Шаҳарда сааноат, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, турли корхоналар сони йилдан-йилға ортқиб бораётир. Шаҳарға келиб кетувчилар ҳам кўпайган. Ер усти, ер ости, ҳаво йўналишларини айтмасизми?! Янги-янги мавзелар, гузарлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Бироқ шаҳарни сув билан таъмин этиб турадиган дарё ва каналлар ҳамон ўша-ўша. Фақат оқсоқол Чирчиқ дарёсидан олинадиган канал суви Чирчиқ шаҳри ва Тошкент аҳолисини сув билан таъминлайди. Кўп ҳолларда эътиборсизлик ва лоқайдлигимиз тўғрисида сувни ҳаддан ташқари ифлослантирамиз. Ва кўп, ортқича ишлатамиз.

Шу ерда бир маълумотни келтириб ўтишни лозим топдик. Дунёнинг айрим шаҳарларида, чунончи Лондонда бир киши бир кун давомида 170 литр, Парижда — 160, Брюсселда — 85, ниҳоятда бизнинг Тошкент шаҳрида — 370 литр сув сарфлар экан. Сувни шунчалар беэътиборлик билан сарф этар эканмиз. Сув шу зайлда қадрсизлана-са, тилла балиқча айтганидек, халокат гирдобига маҳкум этилишимиз мукарраға ўшайди.

Бани башар фарзандининг ҳаётға, яшашға бўлган умид ва иштиёқи ўсса — ўсиб борадики, ҳеч қачон бу ҳавас сўнмайди. Зотан, яшашни хоҳлаган инсон, аввало сувға бўлган муносабатини ихобий томонға ўзгартироғи зарур.

Сув тарбиясини оилада, боғчаларда, маҳалла ва ўқув масканларида тўғри йўлга қўймоқ лозим. Бу ҳаёт талаби. Биз ўзимизни яратган сувға беҳурмат бўлмайлик! Туғилганимизда бизни сув билан поклашди, ҳаётдан қўй юмганимизда ҳам сув билан қовиб, тозаллаб дафн этишарди.

Барчамиз Сувини, Нонни, Тўпроқни, Ҳавони, Қўёшни табарруқ этиб, эъзозламоғимиз зарур ва шарт. Умуманашарий қадриятларимизға мувофиқ, қадимда Нарвўзнинг бир ўн кунлиғи сув байрами сифатида нишонланар экан. Биз ҳам сув кунларини байрам қилишимиз керакға ўшайди. Бунинг тарбиявий аҳамияти катта бўлади, албатта.

Соғлиғимиз, баркамоллигимиз шу ибтидорлар билан боғлиқдир. Фақат ана шуни унутмайлик! Бизнинг инсоний бурчимиз уларни қўз қорачиғиди сақлашимизда намоён бўлади.

Абдулхамид ХАБИБУЛЛАЕВ,
Халқ таълими аълочиси.

Шарқ дурдоналари

Оз-Оз ўтганиб Домо бўлур...

● Шараф, номусингиз ҳурмат этилишини тиласангиз, тавозеъли, навозишкор, синиқ кўнглили кишиға тасалли берувчи бўлинг. Бу гўзал хислатлар ҳаётда муваффақият қозонининг энг зўр сабабчиларидир. Бахтли-саодатли одамлар ўзларининг ҳақиқий сифатларидан кўра кўпроқ гўзал муомала, тавозеълари, хурматни ўрниға қўйишлари соясида бахт-саодатға эға бўлганлар.

БАЙТ:
**Кийининг тавозеъ эса одати,
Улуг бўлғуси ортибон давлати.**

● Бир кишини масҳара қилиб қулиш — унинг иззат-нафсини, инсоний шарафини таҳрир қилишдир. Масҳарабозлик энгилтақлик асаридир. Масҳарабоз шу иши билан у одамнинг кўнглиға озор беради, ҳаммамнинг нафратига дучор бўлади. Ақли-хушли одам бу бемазачилиқдан ўзини четта олади.

БАЙТ:
**Бировнинг айбига ҳеч қулма зинҳор,
Сенин айбингға ҳам қулгувчилар бор.**

● Бир одамға яхшилик қилсангиз, у одам шу қилган хайрли ишиниғизни унутмай, пайти келганда, сизға яхшилик қилади. Бировға ёмонлик қилиб, унинг дилини оғритган бўлсангиз, мабодо бошиниғизға бир фалокат келиб у одамнинг ёрдамиға муҳтож бўлиб қолганинғизда, у сизға ёрдам беришға унча майл этмайди.

● Кучинг бориға таяниб, ҳеч кимнинг дилини оғритма, оғритсанг, бу йўлда тиканларға йўлиқасан, сенға кимнинг ҳожати тушса, унинг ҳожатини раво қил, бу одам ҳам бир кун сенин корингға ярайди.

БАЙТ:
**Бу ҳикоятдан, азизим, ибрат олғил, ибрат ол,
Яхшилик қилсанг агар умрингға**

қурмайсан завол.

Ҳеч вақт омонатға хиёнат қилманг, хиёнат қўчасидан ўтманг. Тўғриликни ўзиниғизға шиор қилиб олинг. Агар хиёнат қўчасиға қадам ташласангиз, узоққа бормасдан оёнгизга тойилиб, фалокат чуқуриға йиқиласиз. Бунға бир мисол:

ХИКОЯТ. Қадим замонда Хирот шаҳрида Қосим исмли бир дурадгор яшарди. Кунлардан бир кун Қосим бошқа шаҳардаги қариндошини зиёрат қилиб келиш учун сафарға отланди. Ўзининг машаитидан орттириб икки юз олтин тўплаган эди. Сафарға чиқар кун олтинларини бир халтаға жойлади, халта оғзини маҳкам боғлаб, диёнатни билан танилган бир заргар дўстиға омонат қўйиб, сафарға чиқиб кетди.

Орадан бир ой ўтғач, Қосим сафардан қайтиб келиб, дўсти заргардан қўйган омонатини талаб қилди. Нобақор заргар омонатға хиёнат қилиб, тониб тураверди.

— Сен менға омонат тариқасида бирор нарса берганинғиз йўқ, омонат топширганинғиз қандай далил қўрсата олсанг? Мен сени дўстим деб билардим, дўшман эканинғиз пайдақилди. Менға тўхмат қилишдан уялмайсанми? — деди.

Дурадгор шайх қозисига бориб, бутун воқеани бирма-бир баён қилди. Қози ундан олтин солинган халтани кишилар ҳузуриди омонат қўйганими, йўқми экани ҳақида сўраган эди, Қосим тўғрисида йўқлигини айтди:

— Мен заргарни дўстим деб билардим, унинг диёнатли, пок виждонли одам эканиға ишонардим, шунинг учун вужоға ҳожат тушмади, — деди.

Қози заргарнинг яхши одам эмаслигини биларди. Дарҳол заргарнинг хотинини ҳузурига чақирди. Заргардан дурадгорнинг омонатини қайтариб беришни қайта-қайта талаб қилса ҳам заргар иқдор бўлмади. Сўнра қози бошқа бир хийла-тадбирини ўйлаб, эру хотинни бир уйға қамашға буюрди, ўйлаган тадбири бўйича, бошқа бир уйға икки кишини яшириб, эру хотинни у уйға қамашди.

Ярим кечада заргарнинг хотини эрдан: — Агар дурадгор сизға омонат қўйган бўлса, унинг қўйган омонатини қаерға яширгансиз, нега менға айтмадингиз? — деб сўради. Заргар хотиниға:

— Унинг омонатини ҳовлимизнинг фалон жойиға яширган эдим, бировға айтиб қўйишингдан қўрқиб сенға билдирмадим, — деб халта яширилган жойни хотиниға айтди.

Яширилган одамлар заргарнинг сўзини тамом эшитдилар. Қози эрталаб заргарни, унинг хотини ва яширилган икки кишини ҳузуриди хозир қилди. Икки киши заргардан эшитган сўзларини қозига айтдилар. Қози дарҳол заргарнинг уйиға одам юбориб, омонатни топтириб келтирди ва уни дурадгор Қосимға топшириб, заргарни зиндонға ташлади, хотинни озод қилиб юборди. Мана шундай қилиб хиёнатчи жазосини топди.

● Очқўзлик билан мақсадға интилувчиларнинг иши ҳаммиша гаразли бўлади, фақат ўзлариниға уйлайди.

● Инсоннинг хайрли ва гўзал ишлари учун хизмат қилувчи руҳий хислатлари яхши фазилатлар, агар акси бўлиб инсон улар билан ёмонлик ва қабих ишлар қилса, бу хислатлар разиллик, шаккоқлик ва камчиликдир.

● Яхшилик қилиш ҳурмат-эҳтиромли бўлиш, лаззатланиш, саодатли бўлиш йўлида қилинадиган ишларни амалға оширишда энг яхши усуллардан биридир.

● Хош шаҳарни бошқаришда бўлсин, хош уй қуришда бўлсин, яъни хар бир соҳада мулоҳазали одам учун энг муҳими тўғри, фозилона фикр юриштидир. Токи бирон қаршиликка учраганда уни бартараф этувчи тўғри йўл топа олсин.

● Халқ ақли кишиларни доно деб атайди, чунки улар инсонларға керакли нарсаларни ўйлаб топадилар.

● Инсон туғилганда камолотли бўлиб туғилмайди, хулқи, фаолияти, ҳаёти ўхшаш бўлади. Булар кейинчилик ўзгаради, яъни жамиятда одамлар орасида ўса бошлагандан кейин шаклланади.

● Инсон ҳар вақт бошқаларнинг қилган ишларидан ибрат олиб, ўз ишларини гўзал тадбир асосиға қуриши керак. Агар шундай қилмаса, фалокатға дучор бўлиши турган гап.

Учрашув мароқли ўтди
Пойтахтимизда яқиндаги ўз фаолиятини бошлаган «Бунёдкор ёшлар» телеклубида ёшларнинг шахримизнинг бош жамоаси «Пахтакор» раҳбарлари ва футболчилари билан учрашув ўтказилди.

Унда хозирда чемпионатда қарвонбошилиқ қилаётган чарм тўп усталари ёшларни қизиқтирган саволларға жавоб беришди. Жамоа раҳбарлари эса ишчибозларға команда ўйинини бугунгидан яхшилаш ва янада ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар, келгуси режалар ҳақида сўзлаб беришди. Қувончли жиҳати, учрашув якунида «Пахтакор»нинг ашаддий ишчибозла-

ри бўлиши «Бунёдкор ёшлар» телеклуби аъзолари футболчилар билан эркин суҳбат қуришди, бирға суратға тушишди ва эсдалик учун чарм тўп усталаридан дастхатлар олишди.

Эронда Пахлавон Маҳмуд турнири

Кейинги пайтларда миллий курашимиз тобора жаҳонға юз тутаётганини фохр ва ифтихор билан қайд этмоқдамиз. Хоржда ўтказилаётган кураш бўйича халқаро мусобақалар сони яна биттаға кўпайди.

Жорий йилнинг 3-4 июль кунлари Эрон мамлакатининг пойтахти Техронда ўзбек кураши бўйича биринчи халқор турнир бўлиб ўтди. Пахлавон Маҳмуд «Пуревали» номидаги мусобақаларда полвонлар 73, 90 ва мутлақ вазнда галаба учун кураш олиб бордилар. Эрон кураш федерацияси томонидан ташкил этилаётган мазкур мусобақаларда йигирмадан ортқ Европа ва Осиё давлатлари вакиллари қатнашиб истагини билдирмоқда.

Мазкур янги мусобақа аънавийни тас олиши билан бирға миллий спорт туримиз ривожига ҳам ўз хиссасини қўйишиға шубҳа йўқ.

(Ўз мухбирларимиз)

ШУМ БОЛАНИНГ ЎЗГИНАСИ

(Ярим чин, ярим ҳазил)

1. Амаки ва амакивачча

Беморнинг фиғони фалакка чиққан. Таъби хира, асабий. Жазаваси тутиб қолгудай бўлса, ҳатто ёнида қараб ўтирган амакиваччасини ҳам аямасди, хассаси билан тушириб қолишдан ҳам тоймайди. Чапақдай жажли чиқа қўрмасин фақат!..

— Чин дўстларни тегиб, душманни силаб юраверган эканман!.. — Ҳазил-Ҳазил қўйган бўлади у. Етти улаб, тушига кирмаган вожелар бўлиб ўтди. Энди, ҳаммаси орқада, фақат соғингани йўқотгани қолди, холос! Бироз хавас қилса, биров ҳасад қилганидан ҳам ўтиб бўлади. Кўриб қўйинг ахир қараганлар энди бўлади.

— У ахирда бизларни танмасдингиз, — дейди амакиваччаси. — Машинангиз орқа ўриндиёга иккита жонқони ўтказиб олиб, ялло қилиб юраддингиз, давр келди, сўз бергим, деб. Энди даврнинг келди — тўр бергим, бўлди? — Ҳа, унда ҳаммага бош-қош бўлди-ю босар-тусарини билмай қолди. Кўзига фақат ўйин-қўлгу, айш-ишрат, сўз оёқ аёллардан бўлак хеч ким, ҳатто кекса ота-онаси, хотин, бола-чақаси, ака-ука, қариндошлари кўринмай қолганди. «Дўст-лари тағига сув қуяётганидан беҳабар эди. Уларни ишонган тоғим, деб пуч ёнғоқни кўйинга солиб юрган экан. Энди эслашнинг фойдаси йўқ, кеч бўлганди. Фақат эгиздай хотиралар қалбда ҳамон тугён уради. Буларни унутиб бўлармикин?»

Жазавасидан тушган амакиси: — Худо хоҳласа, соғайиб кетсам, албатта, сени ўзим истаган ишинга жойлаб қўяман, — деди қош-қўларини пириқтириб.

— Хозирча шундай дейсиз, бир зумда эсингиздан чиқадими-қўяди.

— Йўқ, Фарҳоджон, ундай дема, ҳали кўраман!

— Кўрсак, кўрамизда! Ишингиз тушса, Фарҳоджон, Фарҳоджон. Сал ёқмай қолсам Фарҳод, Фарҳод! Ким сени менга подарка қилиб юборган ўзи деб, тепа сочингиз тикка бўлади.

Бир қарасанг, сен ахши! Албатта, Фарҳод ахши! Амакининг чапақдай жажли чиқса, ким ёмон? Фарҳод ёмон!

Дарҳақиқат, даргда чалинди-ю амакиси бад-жаҳл бўлиб қолди. Бемор инжик бўлиб қолишини Фарҳод тушуниб етишига ҳали ёшлик қилади. Ўзиман анойилардан эмас. Келиб-келиб шу дард-каш амакиси билан ҳазил-хузул қилгиси келиб қолади. Баъзан ҳазилнинг тағи зил эканлигини фаҳмлаб қолганда, касалхона қоровулдан эшитган қизик гапларни айтиб, овутиришига ўтади.

— Эшитинг-а, — дейди Фарҳод амакисининг чап оёғини силаркан. — Бир жохил кишининг сизга ўхшаб жажли бурни устида тураркан. Булар-бўлмасга жанжал чиқараваркан. Бундан обдон безор бўлган уйдўғиларни бир донишманд олди-да маслаҳат сўраб боришибди. «Нима қилсак, жажлидан тушади?» Шунда халиги доно кўйиндаги маконли жаҳлдор киши рўпарасига шалапоқдай қилиб ёзиб қўйишни айтибди: «Жаҳл келса, ақл кетади».

— Қалай, эрми? — Сен тиримизак, менга теккизиб гапирялсан шекилли!

— Бу ҳаммаданга тегишли! Яна битта антикаси бор, — дейди Фарҳод «бўёғини ҳам бир тананга қўйиб қўйинг» демокчидай бўлиб. — Сизга ўхшаган бир киши, — дея ҳикоясини давом эттирди у, — юз тангага насихат китобини сотиб олиб, уни қўз қорачиқдай авайлаб-асраб юраркан. Ушбу китобда шундай жумлалар битилган экан: «Жаҳлингни ют!» Ана шу киши бунга тўла амал қилишга астойдил ҳаракат қиларкан. У қандайдир сабабларга қўра, ўз юртидан бош олиб чиқиб кетиб, кўп йиллардан кейин уйига қайтиб келибди. Қараса, хотинининг олдида келишган навиқорни йигит ўтирганмиш. Унинг бутун вужудини жажл ўтлари камраб олибди. Хозир уни ўлдирман, деб турганидан насихат китобини ёзилган: «Жаҳлингни ют!» деган жумлалар ёдига тушибди-ю шум ниятидан қайтибди. Кейин билса, халиги йигит ўзининг ўғли бўлиб чиққан экан.

Кўрдингизми, ахшиямки, ўша киши жаҳлга эрк бериб юбормаган. Ақл холда... Жаҳл чиқса, ақл кетади, дейдилар. Демак, бекорга айтилмаган экан?

— Фарҳоджон, сен буларни қайқандан эшитган қолдинг? Ҳазилда бошинг «чун» дан чиқмасди, жа галдон бўлиб кетибсанми? Онанг сени гапга тўққан экан-да, гапдон одамларга дарс берасан. Махдаманалар мувовақаси ўтказилса борми, биринчи ўрин ақл сенки. Озгинчи ёнсанг, бошқа жойинг гапираварди.

Амакисининг жаҳли чиқибди ўрнига унга, очиги, хаваси келиб-кетганди.

— Пастдаги қоровул киши бор-ку, ўшандан эшитдим-да, ўзиман ичи тўла ривоят-у, эртақ экан, — деди Фарҳод, сўнг керишиб қўйди.

— Соатлаб йўқ бўлиб қолганидан ўша кишининг олдида ўтирган буларкансан-да!

— Бирларнинг гийбатини қилганидан қўра, шунангиз қизик-қизик ривоятлардан гаплашиб ўтирса, нимаси ёмон.

— Салкам профессор бўлиб қолисан-ку, сен тиримизак!

— Сиз бўлсангиз, э афтинг курсин, деб хасангизни кўтариб қолсангиз! Сиздан илтимос, шу тиримизак, деган сўзни бошқа айтманг, унинг ўрнига ургангизни афзал!

— Фарҳоджон, энди бошқа урмайман, ҳайми, — деди амакиси ховридан тушиб.

— Ҳай, бўлса, ҳай-да!

— Э, Фарҳоджон, дори ичадиган вақт ҳам бўлиб қолибди-ку, сув билан дориини узатвор!

Фарҳод худди шу тақлифни қилиб турган эди, шу чоғ уни яна шайтон «қитқилаб» қолса бўлмасди.

— Озгингизни, «ача» очинг! — деб қолди у.

— Нима қилмоқчисан?

— Дори ичмамоқчиман!

— Ҳай, дўхтир айтган, ичмамоқ қўйинг, деб.

— Ҳай, майли, дўхтир айтган бўлса!

Амакиси ётган жойида қарқуноқ боласидай озгини катта-катта очади. Фарҳод унинг озгина битта ўринга икки-учта тумачдай-тумачдай дори ташлаб, қошқлда сув узатади.

— Битта-биттага-да, Фарҳоджон!

— Дўхтир айтган, ички-унчалаб, деб!

— Айтган бўлса, ҳай, майли, — озги кўприб сўлақлари тангайига оқиб туша бошлади. — Ҳеч замонда қошқидан сув берадими, пиёла турганида.

— Дўхтир шундай деган. Бунда удобна-да! — Энди бугунги эшитинг, — дейди Фарҳод гўё бир мумини қилиб айтмоқчидай бўлиб. — Афанди ярим кечаси хотинини туртиб уютибди:

— Тур хотин, тур, қошқ оқиб бер, — дебди.

— Ярим кечанда қошққни нима қиласиз? — сўрабди хотини.

— Тушимда талқон есам, озгимдан тўқилиб кетаяпти, — деган экан.

— Афандики, қошққнинг қадрига етган экан, сиз бўлсангиз. Ҳай, майли!

— Емон гап айтмадинг шекилли!

— Қани озгингизни очиб кўрсатинг, «ача» денг!

— Сен, зумраша, ўзи нима қилмоқчисан?

— Кўрмоқчиман, дориини ичдингизми, йўқми?!

— А, а... — Амакиси озгини катта-катта очади.

— Э, озгингизда турибди-ку, дорилар!.. — Озига кефир қўйиб юборади.

— Э, тентак, нима қиляпсан ўзи? — дейди амакиси ютиниб бўлган.

— Дориини ичингди!..

Жаҳлини ютган амакиси Фарҳодга ёлвориб-га ўтади:

— Фарҳоджон, оз-моз оёғини уқалаб қўй!.. Фарҳод кўларини нари-бери олиб борган бўлади-да, амакисининг оёғини чимчилайди.

— Фарҳоджон унақа қилганидан, оғриганидан, ахир! Бармоқларнинг учини уқалагани.

— Учини-ми? Яна қаерини, ҳо, ёқмай кетсин.

— Яхшилаб-да, оғригмай, ха ана шундай!

— Жонингиз кирдимми, бўлди, бугунга етар.

— Раҳмат, Фарҳоджон! Қўларинг дард кўрма-син!

— Уралиб ётинг энди, мен ташқарига чиқиб, бир айланиб келай!

— Дахлизга чиқадими. Хоҳ у дўхтир бўлсин, хоҳ у ҳамшира!

— Сестра, как дела? — ўларича сўрашиб қўядилар.

— Яхши, Фарҳоджон! — деб ўтиб кетишди.

— Дахлиздан яна унинг дўриллаган овози эшитилди.

— Нина тебга люблю!.. — Хонадагилар ҳазиллашиб, унга шундай дегин, деб ўргатишган. Ўзи беш-ўн та рўсча сўзни амал-тақал ёд биледи.

Нина унинг орқасидан: «Я тебга покажу, люблю!» деб пол артадиган тағини кўтариб қувиб қолади.

У бўлса «хингир-хингир» қилганича, жуфтани ростлаб қолади. Қашқадарнинг бир чекка гўшасида «туғилиб-ўсган» бу ўспирин касалхонада ҳаммага отнинг қашқасидай танилиб бўлган.

Урта бўйли, қорамғиз, қаерларидир амакисининг ёшлигини аслагувчи, ўйинқор, суваласи пиш-қик, қитмир, ҳазил-хузулни ёқтирувчи, билагида кучи тўлиб-тошган, гўрзи мушти тушган жой чилларчин бўлгучи баҳоиди йигитчал!.. Мактабда унинг дастидан бирорта парта ёки эшик «соғ» қолмаган, баҳс бойлашиб, дуч келган партини бир мушт тушириб, қоқ ўртасидан бурда-бурда қилиб кетаварган. Ҳўжларнинг шохини бурдаб, ерга ётқизган, арваларнинг гўшчагини кўтариб, улоқтириб юборган. Қураш тушиб, кимнингдир белини чиқарган, кимнингдир қўлига шикаст етказган. Шунинг учун тенгқурлари ундан сал нарироқдан юришган. Энди касалхонада у билан беллашадиган бирорта мард йўқ, ҳаммаси касал... Уларга фақат билганидаги кучини «қурбақа чиқариб берайми», — деб кўз-қўз қилишдан нарига ўтолмайди.

Бу ерда унинг ҳазил-хузулини ҳамма кўтаради... Сал кўринмай қолса «Ха Фарҳоджон, юз сўм пулдай кўринмай қолдинг, қаёлларда юрибсан», деб дарров соғиниб ҳам қолмади. Уни гоҳ ҳамшира қизлар хонасида, гоҳ қўшни хоналардан бирида ва гоҳ пастда қоровул хузурида учратиш мумкин. Ким зерикса, бирор юмуши чиқса, унга Фарҳод керак! Уйинқорлиги тутиб, баъзан касалхонада амакиси эрдан чиқадими, деди турган тошдай йўқ бўлади-қолади. Излаб, топиб кўрингач! Ана ундан кейинги «томоша»ларни кўраверасиз. «Гойибназар» — амакиси унга шундай лақаб қўйган, йўқ бўлиб кетаваргани учун «лақаб» сиз одам бебаҳт бўларкан», — деб Фарҳод бир қўп семирчи юради.

Амакиси у ерда тоқати тоқ... Кутиб ўтирибди. Бунга нима? Унга деса, ўт тушиб кетмайдими?! Борди-да!.. Шойиб қаёққа ҳам борарди?! Ҳа, жаҳлдор амакисининг олдида борди-борса! Э, ёшлиқда ўйнаб-қулиб қолиб кетган! Унинг оғайниларини ҳозир нима қилишга керак экан? Усиз, зерикиб олибгандир, эхтимол! Антанг, бу ерда ақсига олиб тенгқур беморлардан бирортасим йўқ, зап гурунлашган бўлармиди?! Ерга урса, шифтга сагчидай, хой зумраша, кўртинг борми, мунча қирчанги отдай ириғиласан, дейишарига қарамай, дахлиздан тинчгина чиқиб кетмайдими. Яхшиям, ҳамшира қизлар бор, ўзига ўхшаган шўх, ўйинқулгини ёқтиришди. Ҳадеб улар хузурига чиқса, бирорга ҳам, худо ўзи асрасин, нол эртага гап-сўзга қолиши хеч гапмас. У ёқда... Кейин ота-онаси, ака-укалари эшитиб қолишса борми, ахир нима деган одам бўлади?! Баъзан бу гап-сўзларнинг юз беришини унутиб, соатлаб ҳамшира қизларга гап беради. Улар қоринларини ушлаганча қотиб-қотиб қулишар. Фарҳод деганлар ҳамон ҳазил-хузулини қўймас... Чақмоқ қаққандай амакиси ёдига тушади-ю, хайр-хўшини насия қилиб, эшикка термиллиб ётган касалхона амакиси олди-га қизиллаб қолади! Нафаси бўзига тикилганча ҳаллослаб хонага қитиб боради:

— Сени ёв қувдим, намунча хирилламансан, шайтоннинг мардиқори, қай гўрларда санчиб юрибсан? — деб амакиси қаттиқ сўроққа тутиб қолади.

— Дўхтирларингиз билан гаплашиб, ушланиб қолдим, — дейди Фарҳод. Баҳона топишда устаси фаранг бўлиб кетган. — Яхши, одолиб киши бўлиб ўтирсангиз, яқин қўнларда чопқиллаб кетаркансиз, билдингизми. Улар шундай дейишарди. Ишонинг гапимга... Хуллас, қирки кетиб, қирқ бири қилибди!..

Амакиси жаҳдан тушади. Бундай хушхабарни эшитган ҳар ким ҳам мўйдай эрияди, албатта, эрта-индин оёққа туриб кетишини эшитиш қанчалар ёқимли!

— Э, озгингга шаккар! — деб юборади амакиси хурсанд бўлганидан.

— Шакар эмас, асал денг!

— Асал бўлса, — асал-да, Фарҳоджон!.. Фарҳод амакисининг ёнига келиб ўтиради:

— Бир сайр қилиб келмаймизми? — дейди у қўқусидан.

— Фарҳоджон ичмисан-да, ичим, қаёқдан била қолдинг ичимдагини? — ундай йўқ мамнун бўлган амакиси уни макташда давом этади. — Энди ўзим айтмоқчи бўлиб турган эдим-а бу тақлифни!

— Қуралай кўларингиз айтиб турибди-ку, акагинам, — дейди Фарҳод ўз «усули-ниқму» муваффақиятли чиққанидан қўнгли тўлиб.

Фарҳод амакисини ўрнидан турғазиб, қўлига хассасини тутказди.

— Қани, аста-аста юрдик! — дейди.

Сўнг уни дахлиздаги диванга ўтказиб, физиллаб хонага қайтиб қиради-да, амакисининг қаравотига ўзини ташлайди.

Хонадагилар ундан:

— Амакин қани? — деб сўрашган эди:

— Дўхтур хотинлар билан чаққаклашиб ўтирибдилар! — дейди-ю, кўзини юмади. Зум ўтмай бутун хонани бошига кўтариб қаттиқ хуррак ота бошлади. Хурраги хонадан чиқиб, дахлизда ҳам баралла эшитилиб турарди.

Мушарраф МУХСИМОВ (Давоми бор).

Хозирги кунда одамларнинг китоб мутолаасига бўлган қизиқиши қандай? Бу саволга очиги бир оғиз сўз билан жавоб бериш мумкин.

Ота-боболаримиз китобни беҳизга қўқларга кўтаришмаган. Чунки китоб — бебаҳо дурдона, илм манбаи ҳисобланган. Ҳатто улғу табиб Ибн Сино подшоҳ қизини даволагани эвазига муқофот тариқасида Бухоро кутубхонасидан фойдаланишни сўраганлиги бор ҳақиқат. Утган асримизнинг бошларида ўзбек халқининг буюқ адиби Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён» романилари қўлма-қўл бўлиб ўқилган, ҳатто собиқ шўро ҳукумати таъқиқлаганига қарамай ажойиб романларга ташна минглаб кўртоқларимизнинг айнан «Утган кунлар» мутолааси сабаб камалганлиги, отилганлиги ҳам ҳақиқат. Хозирда айримлар бу борда гап кетса, «қизик гапларни» гапирасиз, китоб ўқишга кимнинг вақти бор» дея жавоб берадилар. Аммо, маълум бўлишича, кейинги йилларда китобхонлар юқорида таъкидлаганимиз

замон шиддати туфайлими-кан, мушоҳадага, мулоҳазага қорловчи бадий жиҳатдан пишқиб ёзилган асарларни эмас, балки ўқилиши анчайин осон, қизиқарли факту ҳодисаларга бой детектив жанридаги асарларни ўқишга интилоқдалар.

Маҳалламизда Мирсоат ота Жалилов деган отахон яшардилар. Бу киши кекса педа-

йилларда ҳам одамлар китобга меҳр билан муносабатда бўлган. Сабоби ўша пайтларда ёш авлодга таълим берувчи муаллим ўз устида тинимсиз ишлаган, бўлимини бойитиб бориш мақсадида ҳар бир янги чоп этилаётган китобни ўқиб борган, ҳар бир янгиликдан бохабар бўлган. Шу боисми, ҳар ҳолда ўша пайтларда муаллимнинг об-

фуқарогача иложи бўлса ўзини кийим-кечак эмас, балки китоб сотиб олган. Айтишларича, XX аср бошларида яшаван одамхон, камтар, болапарвар муаллимлардан бири Кенжабой Қирғизбоевнинг бошидаги дўпписи, эгинидаги кийими эскириб кетганида рафиқаси Хосият ая, «маошингиздан орттириб янги дўппи сотиб олинг», дейди. Муаллим

толаасига бўлган қизиқишини ошириш мақсадида ҳар бир маҳаллада кутубхона ташкил этиш ва уни иложига борица ноёб, дурдона китоблар билан бойитиб бориш лозим. Ақмал Икромов туманидаги Қозғузлар маҳалласида эса ана шундай хайрли ишга қўл урибди. Энг қувонарлиси, бу маҳаллада ташкил этилган кутубхонага «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг «Шарқ зибкори» дўконидан китоблар келтирилди. Эндилқда маҳалла кутубхонаси ва компания ўртасидаги келишувга мувофиқ «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилаётган ҳар бир янги китоб муаллимнинг дастга билан маҳалла кутубхонасига совға қилинади. Ниятимиз шунки, Қозғузлар маҳалласи фаоллари томонидан амалга оширилган ана шу муҳим тадбир шаҳримизнинг бошқа маҳаллаларига ҳам кенг ёйилса. Ва маҳалларда то манадого фаолият кўрсатаётган кутубхоналар келажакдаги ворислар бўлиши ёш авлодга билим чашмаси сифатида хизмат қилса.

(Ўз мухбиримиз)

МУЛОҲАЗА БЕБАҲО ДУРДОНА

гог бўлиб, китобни жуда қадрлар, қачон олдидларга кўргани борсақ, албатта мумтоз адабиётимизнинг вақиллари Навоий, Ҳазрат Ҳасан Бедилнинг бирор-бир китобини мутолаа қилиб ўтирардилар. Бобурнинг «Бобурнома»-си ёки Навоийнинг «Ҳамса»-сини қайта-қайта ўқидан сира эринмасдилар. Шу инсон кўзларини бирида қаминга қизик бир факт ҳақида сўзлаб бердилар. Мирсоат отанинг айтишларича (Аллоҳ у кишининг охиратини обод қилсин) 1930-40 ва ундан кейинги

рўси халқ орасида кучли бўлган. Одамлар муаллимни пири қомилга тенглаштирганлар. Яна бир қизиқ ҳолат. Мирсоат отанинг айтишича, у пайтларда адабиётдан сабоқ олаётган ўқувчи мумтоз шориларнинг жуда кўплаб шеър, газалларини ёдлаши ва устозига бу газаллар мазмунини тушутириб бериши шарт бўлган. Агар лоф бўлмаса, у пайтларда ҳар бир хонадонда алоҳида китоб жавони бўлган. Китоб шунчалар эъзозланганки, ўша пайтда муаллимдан тортиб оддий

бозорга йўл олади. Хосият ая кўрса Кенжабой ота хурсанд, аммо янги дўппи олмаган ҳолда кўчкўрн бозордан қайтиб келади. Сабоби сўралганида муаллим дўппи ўрнига анчадан бери излаб юрган Навоийнинг «Ҳамса» китобини харид қилганини айтиди ва «дўппи олганимдан ундан бир ўзим фойдаланардим. Аммо мен харид қилган «Ҳамса»ни фарзандларим унава-заварларим ўқийди» дея таъкидлайди.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳам-шаҳарларимизнинг китоб му-



Болалар кулгуси оламни тутсин.

ШИФОКОР ОҒОҲЛАНТРАДИ КЎЗИҚОРИНЛАРНИ БИЛИБ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГ

Баҳор фаслида об-ҳавонинг нам келиши, ёғингарчиликлар туфайли замбуруғлар ўсиб, ривожланиши учун қулай шероитлар вужудга келади. Бу фаслда кўплаб замбуруғлар пайдо бўлади ҳамда ўсиб кўпаяди. Ер юзиде замбуруғларнинг 100000 дан ортиқ ботаник турлари маъжуд бўлиб, улардан 200 туригина истеъмол қилиш учун яроқлидир.

Ўзбекистон ҳудудида замбуруғларнинг 300 дан зиёд ботаник тури маъжуд. Бирок шулардан 25 туригина истеъмол учун яроқли ҳисобланади. Бу истеъмол учун яроқли бўлган замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли «кўзқоринлар» деб атайдилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ҳар қайси вилоятида, ҳар бир туманида кўзқоринларнинг фақат айрим, муайян турларигина терилиб, улардан турли хилдаги тансик таомлар тайёрланади. Фойдаланиш учун яроқли кўзқоринлар маъдани моддалар, оқсил ҳамда «С» ва «В» гуруҳларига мансуб витаминларга жуда бойдир.

Бирок республикамиз ҳудудида ўсадиган кўзқоринларнинг 275 дан зиёд ботаник турлари захарли ҳисобланади. Уларни асло истеъмол қилиб бўлмайди. Бундай кўзқорин турларини маҳаллий аҳоли ўзи ибораси билан захарли ўсимлик — «қурбақани салласи» деб атайдилар. Бу турларга мансуб кўзқоринлар таркибида гелвелли кислотаси, фаллотосин, аммонитотоксин ва бошқа захарли моддалар маъжуд бўлиб, уларга қанчалик ишлов берилмасин, таркибидаги захарли моддалар йўқлиб кетмайди. Улар қиздиришга жуда ҳам турғун, қайнатилганда зарарсизланмайди, оксиген таъсирида оксидланмайди ва ошқозон-ичак ферментлари таъсирида парчаланмайди. Оқибатда истеъмол қилган кишиларни захарлайди. Шундай ўткир захарли кўзқорин турларидан бири «Лепиота» деб аталади. У шаҳримиз ҳудудидаги боғларда, қабристонларда, сайхон жойларда, дарактлар теварагида ва бошқа жойларда ҳам учраб туради. «Лепиота» барча кўзқоринларга ўхшаб соябон шаклида ўсади, уни истеъмол қилган киши қаттиқ захарланади.

Республикамизнинг баъзи жомоа ҳўжаликларини ва ширкатларига махсус иссиқхона-

«Малика» ОАЖ акциядорлари диққатига!

2002 йил 14 июнь кунини соат 14.00 да «Малика» ОАЖ акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, гвардиячи полковник Хўжаев кўча, 2-уй.

- 1. «Малика» ОАЖнинг 2001 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Аудитор текшируви ҳуқуқасини ва 2002 йилга жамият аудитори тасдиқлаш.
4. 2001 йил учун дивиденд тўловлари ҳақида.
5. Ташкилий масала.
6. Бошқа масалалар

«Малика» очик акциядорлар жамиятининг баланси 2002 йил 1 январь ҳолатига

№	Кўрсаткичлар номи	минг сўм
1	АКТИВ	
1.	Ассий воситалар	756382
2.	Ишлаб чиқариш захиралари	23398
3.	Тугалланманг ишлаб чиқариш	39356
4.	Тайёр махсулот	4